

Аёлларнинг меҳнат ҳуқуқи муҳофазаси

Мамлакатимизда аёлларнинг меҳнат қилиши, фарзандлари парвариши ва тарбияси билан шуғулланиши учун барча ҳуқуқий асос ҳамда шарт-шароитлар яратилган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Меҳнат кодексининг 224-моддасига кўра, ҳомиладор ва болали аёлларни ишга қабул қилиш кафолатланган. Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этганлик ёхуд уларнинг иш ҳақи камайтирилгани учун тегишли ҳуқуқий жазолар белгиланган. Аёлларга нисбатан қўлланиш тақиқланган ишлар борасида ҳам қонунда аниқ норма баён этилган. Улар ер ости ишларида ишлаши, нормадан ортиқ юк кўтариши мумкин эмас. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилиш ва хизмат сафарига

юбориш чекланади.

Қонунда белгиланган ҳуқуқий меъёрлардан яна бири бу 3 ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассаса ва ташкилотларда ишлайдиган аёлларга иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмаслиги кўрсатилгандир. Ҳақ тўлаш эса ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади. Ҳомиладор ва 14 ёшга тўлмаган боласи (ун олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларнинг, шу жумладан, ҳомилиясида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бегоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи томонидан тиббий хулосага мувофиқ, уларга тўлиқсиз иш кун

ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланиши мажбурий ҳисобланади.

Меҳнат қонунчилигида (231-232-моддалар) ҳомиладор ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парвариш-лаш таътилидан кейин; 14 ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (16 ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз онага (бева аёллар, ниқоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши назарда тутилган.

Шунингдек, 12 ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили 3 иш кунидан кам бўлмаган

муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга, уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили 14 календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

Яна бир масалага эътибор қаратайлик. Аёлларга туққунига қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш кечиккан ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — 70 календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилни неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили туғганидан кейин, аёлнинг

хоҳишига кўра, боласи 2 ёшга тўлгунча қадар унга болани парвариш-лаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Аёлга, хоҳишига кўра, боласи 3 ёшга тўлгунча қадар болани парвариш-лаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил берилади.

Она ва бола, оила манфаатига хизмат қилувчи бундай ҳуқуқий асослардан яна кўплай мисоллар келтириш мумкин. Бундан яққол кўриниб турибдики, мамлакатимизда аёлларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фарзандлари парваришида уларга давлат томонидан кўмак кўрсатиш бўйича самарали механизм яратилган. Бу хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги мақомини оширишга хизмат қилаётган.

Содикот АХМАНОВА,
Тошкент шаҳар 10-сон
давлат Нотариал идораси
нотариуси.

Муҳаммад АМИН (3-жа) олган сурат.

Ёш футболчиларимизнинг йирик ғалабаси

Пойтахтимиздаги «Жар» стадионида футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида 2014 йили Таиландда бўладиган Осиё чемпионати саралаш босқичи «В» гуруҳи баҳслари давом этмоқда.

Мусобақада Ўзбекистон, Яман ва Фаластин ўсмирлар терма жамоалари ўзаро рақобатлашмоқда. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳдаги дастлабки учрашувини Фаластин ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказди.

Учрашувда ҳужумкор ўйин намойиш этган футболчиларимиз Фаластин ўсмирлар терма жамоасини 9:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Уйинда Жонибек Қўчимов, Ойбек Нурматов ва Азиз Ганиев рақиб дарвозасига иккитадан тўп киритган бўлса, Бакир Муртазоев, Сўҳроб Нуруллоев ва Озодбек Қурбонов биттадан голга муаллифлик қилди.

Темир Олимхўжаев раҳбарлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 29 сентябрь кун яманик тенгдошларига қарши майдонга тушади.

Б.АЙМУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

Реклама ва эълонлар

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари, кичик бизнес субъектлари диққатига!

Фарғона вилоят ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдолари эълон қилади:

Объектлар номи:
1. «Фарғона тумани, Лоғон ҚФЙ, Лоғон-Маҳкам-Ҳакимобод ММТП кишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши».

Муддати — 30.12. 2013 йил.
Бошланғич нархи: 643 660 130 сўм ҚҚС билан, 536 383 442 сўм ҚҚСсиз.

2. «Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чекшур ҚФЙ, Машраб Бобур ММТП кишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши».

Муддати — 30.12.2013 йил.
Бошланғич нархи: 1 188 346 132 сўм ҚҚС билан, 990 288 443 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1

ЛОТ 1-1. «Бешарик тумани, Яккатут ҚФЙ, Бўстон-1 кишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи: 371 520 080 сўм ҚҚС билан, 309 600 066 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ 1-2. «Фарғона тумани, Лоғон ҚФЙ, Машъал кишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи: 602 590 624 сўм ҚҚС билан, 502 158 853 сўм ҚҚСсиз.
Муддати — 30.12. 2013 йил.

Давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган мабзалар ҳисобидан молиялаштирилган 500 миллион сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларнинг тижорат тақлифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. **Манзил:** Фарғона шаҳар,

Темирйўлчилар кўчаси, 37-йил.
Тел.: (8 595) 400-52-80.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари **Республика йўл ҳағмармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни

тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-йил, телефон/факс:
(8 373) 244-55-32.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламнинг нархи — 63 000 сўм. Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин **Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-йил** манзилида ўтказилади.

«Toshkent kimoshdi savdolari»

масъулияти чекланган жамияти

2013 йил 29 октябрь куни очик аукцион савдоларини ўтказилади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 8-уйда жойлашган «ENERGOIMPEKS» очик акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Хоразм кўчаси, 6-уй манзилида сақланаётган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AV320, бошланғич нархи 9947283,88 сўм бўлган «Сиело», 2003 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AG600, бошланғич нархи 14710359,38 сўм бўлган «Нексия Донс», 2007 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10BD800, бошланғич нархи 21796012,35 сўм бўлган «ГАЗ-3102-121» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади.
Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «Toshkent kimoshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотечка-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 2020 8000 0049 3283 3001 ҳисоб рақамига тўланади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунда сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшан-

ба кунлари ўтказиладиган савдоларга тақридан қўйилади. Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунча қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт тақдим этадилар.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Анхор бўйи кўчаси, 18-уй.

Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

Алоқа телефони: (+998 93) 399-81-19, 388-69-96,

электрон почта: tkos-mail@inbox.ru

Гувоҳнома №005414-05

Ташкилотлар, компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

бошқарма тасарруфидаги «Баркамол авлод» болалар марказлари учун жиҳозлар, асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича очик тендер савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Тендер савдолари очик турда бўлиб, халқ таълими муассасаларида мебеллар ва жиҳозлар етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда юртимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилар) қатнашишлари мумкин.

1. Харид қилинадиган маҳсулотлар — ўлкашунослик, техника, бадий ижодиёт йўналишлари бўйича тўғарақларни жиҳозлаш учун 207 турдаги жиҳозлар, асбоб-ускуналар харид қилиш, умумий максимал нархи — 880,5 млн. сўм.

2. **Тендер комиссиясининг ишчи органи:**

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектурилиш» қўмитасининг Сурхондарё вилоят қурилишда танлов савдолари

ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Почта ва манзил: 190104, Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй.

Тел./факс: (8-376) 221-44-57, 221-44-73, 221-44-76.

3. **Тўлов шартлари:** бунак — 15 %, жиҳозлар харидорнинг омиборига етказиб берилган — 80%, назорат текширувидан сўнг — 5 %.

4. Етказиб бериладиган жи-

ҳозлар, асбоб-ускуналар номи, уларнинг миқдори, етказиб бериш шартлари ва муддатлари ҳақида маълумотлар тендер ҳужжатлари ва тендерда қатнашиш учун тақлифномада кўрсатилган.

5. Мебел ва жиҳозларни етказиб бериш муддати бунак тўловидан сўнг — 60 календарь кун.

6. Тендер бошланишидан олдин тендер комиссияси томонидан талабгорларни малакавий саралаш жараёни ўтказилади.

7. Тендер ҳужжатларини харид қилиш қиймати тендерда қатнашиш учун тақлифномада кўрсатилган.

8. Закалат пули (тендер тақлифи кафолати) миқдори тен-

дер ҳужжатлари ва тендерда қатнашиш учун тақлифномада кўрсатилган.

9. Закалат пулини тўлаш тартиби, тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тўловни амалга ошириш бўйича банк рекевизитлари тендер ҳужжатлари ва тендерда қатнашиш учун тақлифномада келтирилган.

10. Тендер тақлифларини қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 27 октябрь соат 18-00 гача.

11. Тендер савдоларини ўтказиш бўйича қўшимча маълумотларга эга бўлиш учун Сурхондарё вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va me'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Korihiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

г — 946

10485

nusxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

0'2A yakuni — 1,50

Topshirilgan vaqti — 3,00

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchi:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4